Партия турмуши

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ЙИҒИЛИШДАН СЎНГ...

Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи тўқув фабрикасининг учинчи тўқув цехи коллективи август ойида 172,6 минг метр хом сурп етказиб бермади. Тўққиз ойда қарздорлик 430 минг метрга етди. Фақат сатин газламаси бўйича коллектив пардозлаш фабрикасига 183 минг метр етказиб бермади. Чиқинди кўпайди. Маҳсулот сифати кўнгилдагидек бўлмади.

Цехда аҳвол нега ёмон? Бунинг асосий сабаби нимада?

— Прогулчилар ва ишлаб чиқариш нормасини бажармовчилар ҳисобига цехимиз катта зарар кўрмоқда. Комплектларда чиқиндини ҳисобга олиб бориш йўлга қўйилмаган. Ишчи кучи етишмайди. Буларнинг ҳаммаси ишга салбий таъсир этяпти, — дейди цех бошлиғи Солижон Бозоров.

Мазкур цехнинг ҳар иккала — 5 ва 6 участкалари меҳнатнинг прогрессив методи асосида ишлайди. Мавжуд тўртта бригаданинг ҳеч бири ойлик план топшириғини бажара олмади. Меҳнатнинг ягона наряд методи нега иш бермади? Прогрессив метод бўйича ишлаётган коллективларга раҳбарлик қай аҳволда?

Мастер ёрдамчиси В. Похомов:

— Ачинарлиси, бригадалар билан цех бошлиғи ўртасида алоқа йўқ. Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда бригадирлар билан маслаҳатлашилмайди. Бригададаги бирор киши отпускага кетса, шу ишчи ишга чиқмагандан сўнггина биламиз. Ким рухсат берганлигини суриштирсанг, цех бошлиғи, дейди. Бригадамиздаги ўн кишидан комплектда фақат уч киши ишлаган пайтларимиз ҳам бўлган...

Ишчи С. Цветкина шундай дейди:

— Қарийб барча бригадаларда прогулчилар бор.

Уларга нисбатан талабчанлик паст. Студентлар йилига уч бора отпускага чиқишади. Ишга чиқмаса, бригадир цех бошлиғи ҳузурига югуради. Бундоқ қарасанг, бригада методининг номигина бор, холос.

Дарҳақиқат, бригада пудратига бундай юзаки ёндошиб, ундан самара кутиб бўладими?.. Масъулият, ўзаро ҳамкорлик ва талабчанлик асосидагина янги усулдаги бригада самара беради.

— Эҳтимол, тўқувчиларнинг хизмат зонасини камайтириш ҳақида ўйлаб кўриш керакдир, — деган фикрни ўртага ташлайди мастер ёрдамчиси И. Богачев. — Бригадамизда асосан ёшлар ишлайди, тажрибаси кам. Шунга қарамай 48 тадан дастгоҳлари бор. Кимдир ишга чиқмаса, мен унинг дастгоҳларини бошқа тўқувчиларга қўшиб бермайман. Биламанки, нормани уддалай олишмайди — план куяди. Демак, бундан бутун бригада зарар кўради.

Наҳотки цехда ишга солиш мумкин бўлган бошқа резервлар йўқ бўлса? Фабрика меҳнат ва маош бўлими бошлиғи Б. Содомонова:

— Бор. Меҳнат колективлари смена топшириш ва қабул қилишда катта резервни бой беришяпти. Чиқинди миқдори бу цехда энг юқори. Прогулчилар, ишлаб чиқариш нормасини бажармовчилар ҳам кўп. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга ҳам, меҳнат коллективларига ҳам катта зарар келтиряпти...

Бир ярим ой муқаддам фабрика партия комитетининг навбатдаги йиғилиши чақирилган эди. У ягона наряд асосида ишлаётган коллективларга раҳбарлик масаласига бағишланди. Шу масала юзасидан учинчи тўқув цехи бошлиғи С. Бозоров ҳисоб берганди. Сиз юқорида ўша йиғилиш иштирокчиларининг фикрлари билан танишдингиз.

Мана, орадан анча вақт ўтди. Хўш, бугунги кунда цехда аҳвол қандай? Цехда ишчанликни ошириш, бригадалар ишига раҳбарликни яхшилаш, ортиқча чиқинди чиқишга, прогулчиликка барҳам бериш борасида унда қабул қилинган қарорнинг бажарилиши таъминланяптими? Шу саволларга жавоб олиш мақсадида биз цех ишчилари билан учрашдик.

Мастер ёрдамчиси М. Хаитов:

— Аввалгига нисбатан аҳвол анча яхши, Ишчиларни у комплектдан бу комплектга жўнатиш бир қадар камайди. Цех бошлиғи бригадалар билан бамаслаҳат иш юритишга ҳаракат қилмоқда. Шунга қарамай, мен ўз ихтиёрим билан бригадага раҳбарликни бошқа кишига топширмоқчиман. Сабабими? Албатта, бор. Бригада пудрати бўйича ишлаб чиқилган қоидаларда 15 кишидан кўп аъзоси бўлган коллектив етакчиси ўзининг бевосита ишидан озод бўлиши қайд этилган. Менинг бригадамда 40 ишчи бор. Айни вақтда мен 72 дастгоҳга хизмат қиламан. Ташкилий ишлар билан шуғулланайми, дастгоҳларимга хизмат қилайми?

Бу масала юзасидан цех бошлиғига мурожаат қилдик.

— Бу масаланинг ижобий ҳал этилмаётгани ишчилар етишмаслигидир. Бригада коллективи Хаитовни бригадир этиб сайлашган. Уни бригадирликдан озод этиш, этмасликни коллектив ўзи ҳал қилади.

Мастер ёрдамчиси Р. Ялчин:

— Партия комитетида ўтказилган суҳбат ҳар томонлама фойдали бўлди. Бригадамизда ўтган ойда бирор киши прогул қилмади. Чиқинди чиқишини ҳисобга олишни йўлга қўйдик — нормадагидан бир қадар кам чиқинди чиқишига эришдик. Ўтган ойда фабрика бўйича мусобақада бригадамиз иккинчи ўринни эгаллади. Муҳими, коллектив яхшироқ ишлаш учун резервлар борлигига, уларни тўла ишга солиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди.

Дарҳақиқат, ўз кучига ишониш, имкониятларни тўғри баҳолай олиш коллектив муваффақиятига яхши заминдир. Хўш, бу борада цех раҳбарларининг фикри қандай?

Цех бошлиғи С. Бозоров:

— Октябрь ойида цех плани бажарилди. Ишимизда анча жонланиш сезилмоқда. Кейинги ойда эса цехимиз коллективи фабрика мусобақасида биринчи ўринни эгаллади.

Прогулчилар, нормани бажармовчилар аввалгига нисбатан камайган бўлсада, прогулчилик ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Чиқинди чиқишини ҳисоб-китоб қилиб бориш ҳам ҳали яхши йўлга қўйилди, деб бўлмайди. Демак, имкониятлар бор. Уларни ишга солиш йўлларини излаяпмиз. Бунда партия комитетида менга ва коллектив номига билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариш кўп ёрдам берди. Бригада методига партиявий раҳбарликни кучайтириш мақсадида цех коммунистларининг авангардлик ролини ошириш тадбирлари кўриляпти. Бу албатта, ўз самарасини беради...

Цехда иш қизғин. Тўқув дастгоҳлари бир маромда ишлаяпти. Тўқувчи узилган толани тез ва бекаму-кўст улайди, бригадир газлама сифатини кўздан кечиряпти. Ҳа, ўз қийинчиликлари, ўз муаммолари бўлган бу цехда иш қизғин. Муҳими, коллектив уларни баҳамжиҳат енгиб ўтяпти, ҳал этиш йўлларини излаяпти.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.



Коммунистик меҳнат зарбдори В. Жигалов ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йилида қувончли ютуқларни қўлга киритди. У КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланиб, беш йилликнинг тўнғич йилида келгусидаги ютуқларга мустаҳкам замин яратди. «Агропромремонт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тажриба-ремонт механика заводида янги техника тайёрлаш бўйича слесарь-йиғувчи бўлиб ишлади.

Бу ерда у ўн беш йилдан буён муваффақиятли меҳнат қилиб келаяпти. Бу муддат оз эмас, албатта. Бу йиллар мобайнида В. Жигалов коллективнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Ўз касбини ипидан-игнасигача билиб олди. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этяпти.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори В. Жигалов.

М. Нуриддинов фотоси.

Луқма

# ЛОҚАЙДЛИК

Дунёда касалликларнинг тури кўп. Энг ёмони лоқайдлик. «Строймеханизация» тресети 54-механизация бошқармасининг кранчиси Анатолий Михтахтиновга бу лоқайдлик жуда қимматга тушди. Келинг, яхшиси гапни индаллосидан бошлайлик.

Кранчи Наталья Горячевага шу йилнинг 6 декабрида узрли сабабларга кўра ўз ҳисобидан беш кунлик отпуска берилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон проспекти ва Тарас Шевченко кўчалари кесишган жойда АСУ-ГАЗ биноси қурилишига хизмат кўрсатаётган кран эгасиз қолди. Объектда қурилиш ишлари авжи долзарб паллада қудратли механизмсиз қолишга «Главташкентстрой»нинг 11-трести 17-қурилиш бошқармасига қарашли Вакир Ниғматжонов бригадаси аъзолари чидай олишармиди! Албатта йўқ. Қурувчилар талаби қондирилди. Қурилишга янги кранчи келди.

Анатолий Михтахтиновни улар ўз халоскорларидек тантана билан кутиб олишди. Ҳамма билан жилмайиб кўришиб чиққан кранчи минорага эринибгина кўтарилди.

— Ўзимиздан шекилли, — деди кимдир унинг ҳаракатини кузата туриб.

Хайрият иш бошланди. Кран хартуми беўхшов силтаниб олдинга талпинди, учтўрт бор пастга шўнғиди-ю, яна юқорига кўтарилганича жойида қотди.

— Нима бўлди!

— Тфу, падарига лаънат. Трос барабандан чиқиб кетди...

Авария бригадасини чақиришга тўғри келди. Кун бекор ўтди.

— Бўлди, бугунгини ҳиссасини эртага чиқарамиз, — деди кранчи бепарво қўл силтаб.

Ҳамма уйига тарқалди. Худди мана шу ерда Анатолий Михтахтинов лоқайдликка йўл қўйди. Бир қўл силташ билан у техника хавфсизлиги қоидаларини унутди. Кран ғилдираклари остига тўсқич қўйишни лозим топмади. Инструкцияда кўрсатилгандек кран мустаҳкамланмади.

Ўчакишгандек шу кеча ҳавонинг авзойи бузилди. Кутилмаганда қаттиқ довул бошланди. Тошкент метеостанциясининг хабарига кўра унинг тезлиги секундига 21 метрни ташкил этди. Ўшанда Анатолий Михтахтинов бир зум саросимага тушди. «Кран», беихтиёр мана шу сўз отилиб чиқди унинг бўғзидан. Иккиланди. Кейин «бўлари-бўлди» қабилида қўл силтади. Эҳ, ана шу қўл силташ Анатолийга қанчалик қимматга тушди. Давлатгачи!

Кучли шамол кранни жойидан қўзғатиб юборди. Кўча томон юриб бораётган краннинг олдинги ғилдираклари изидан чиқиб кетди. Атрофга хавф солганча қаддини 18—20 градус пастга букиб туриб қолди. Хайрият, шамол тўхтади. Бўлмаса, краннинг қулаши аниқ эди.

Эртаси куни қанча-қанча йўловчиларнинг асаби қайралди. Транспорт қатнови тўхтаб қолганлиги сабабли неча юзлаб ишчи ва хизматчилар ишга кечикди. Қурилишда иш тўхтаб қолди. Албатта 54-механизация бошқармаси раҳбарлари бу ишни ўз ҳолича қолдиришмади. Бош инженер Г. Пермин бошчилигида махсус комиссия ташкил этилди. У авария сабабларини ўрганиб чиқди. Комиссия хулосаси ҳужжатларда қайд этилди. Айбдорлар жазо олишди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Бошқарма механиги А. Имомбоев ва участка бошлиғи А. Симонятовлар илгари бу типдаги кранда мутлақо ишламаган, кам тажрибали А. Михтахтиновга бундай масъулиятли ишни қандай ишониб топширишди, экан! Бу нима, таваккалчиликми ёки лоқайдликми! Албатта, лоқайдлик. Мана шу лоқайдлик В. Ниғматжонов бригадасига 20 минг сўм зарар келтирди. Фақат шугинами! Йўқ, 54-механизация бошқармаси кўрган зарарчи! У неча сўмни ташкил этади!

Йўлчи САФАР.

Жамият ва қонун

# УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИ ҚАЙ ҲОЛЛАРДА САҚЛАНАДИ?

**Ҳурматли редакция! Биз «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш трестида меҳнат қиламиз. Эшитишимизча, бир йилда 2 маротаба ишдан бўшаганда узлуксиз иш стажи сақланмас экан.**

**Қайси ҳолларда ишдан бўшаганда меҳнат стажи узилмайди? Қайси ҳолларда стажнинг узлуксизлиги сақланмайди? Шу ҳақда мутахассис фикрини батафсил билмоқчи эдик.**

**К. АБДУРАҲМОНОВ, В. ҚОДИРОВ, С. КАРИМОВА, қурувчи-монтажчилар.**

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1973 йил 13 декабрда эълон қилинган қарорига асосан календарь йил давомида узрсиз сабаб билан ўз ихтиёри бўйича ишдан қайта бўшаганда узлуксиз иш стажи сақланмайди.

Календарь йил давомида ўз ихтиёри билан ишдан иккинчи марта бўшаш, агар меҳнат шартномасидаги қуйидаги сабаблар натижасида бекор қилинган бўлса, ишдан бўшаш сабабли ҳисобланади ва узлуксиз стаж сақланади:

эр ёки хотинни бошқа жойга ишга ўтказиш, эр ёки хотинни ишга жўнатиш ёки чет элда хизмат бурчини ўташга, эр ёки хотиннинг яшаш жойига жўнатиш;

мазкур жойда ишлаш ва яшашни давом эттиришга монелик кўрсатадиган касаллик (тегишли тартибда чиқарилган медицина хулосасига мувофиқ) пайдо бўлганда;

касал оила аъзосига (медицина хулосаси бўлганда) ёки биринчи группа инвалидларига қараш зарурати туғилганда.

СССР ҳукуматининг қарорига мувофиқ ишчиларни ташкилий йиғиш тартибида, қишлоқ хўжалиги, жамоатчилик чақириқлари билан бошқа жойларга кўчириш, шунингдек бошқа ҳолларда маъмурият халқ хўжалиги алоҳида тармоқларининг корхона ва ташкилотларида ишлаш учун ишчилар ва хизматчиларга сўзсиз жавоб бериши лозим;

конкурсга биноан вазифасини алмаштириш;

олий ёки ўрта махсус ўқув юртига, аспирантурага ёки клиник ординатурага қабул қилиниш;

маъмурият томонидан меҳнат тўғрисидаги қонуннинг ёки меҳнат шартномасининг бузилишида ишдан бўшаш — сабабли ҳисобланади.

Инвалидлар, қари пенсионерлар, ҳомиладор аёллар, шунингдек 8 ёшгача боласи бўлган оналарнинг ўз ихтиёри билан қайта ишдан бўшаши ҳам сабабли ҳисобланади.

Агар ишдан узилиш икки ойдан ошмаса, яъни узоқ Шимол районлари ва уларга тенглаштирилган жойларда ишлаган шахслар бошқа ишга кирганда, ишдан бўшагандан кейин меҳнат шартномаси муддати тугашига қадар корхона, муассаса ташкилотнинг тугатилиши натижасида ишчилар сони ёки штати қисқартирилганда ва бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда узлуксиз иш стажи сақланади.

Агар ишдаги узилиш 3 ойдан ошмаса, яъни СССР ҳукуматининг қарорига мувофиқ бошқариш аппаратларидан ишдан бўшаган шахсларнинг ишга киришида, СССР Қуролли Кучларининг қисмлари, муассасалари ва корхоналаридан ишдан бўшаган ишчи ва хизматчиларнинг ишга киришида, инвалидлик туфайли ишдан бўшаганидан кейин, ходимнинг эгаллаган вазифасига тўғри келмаслигини ёки саломатлиги туфайли мазкур ишни давом эттира олмаслигини (медицина хулосасига асосан) аниқлаш натижасида ишдан бўшатилгандан кейин ишга киришда узлуксиз иш стажи сақланади.

Қоидага мувофиқ ҳомиладор аёллар ва 1 ёшгача болалари бўлган оналар (шу жумладан бевосита туғруқхоналардан фарзандликка олганлар) томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганида бола 1,5 ёшга киргунча ишга кирган ҳолларда узлуксиз стажи сақланиб қолади.

Қуйидаги асосларда меҳнат шартномасини тўхтатгандан кейин ишга кирганда узлуксиз меҳнат стажи сақланмайди;

а) меҳнат шартномаси ёки ички меҳнат тартиби билан юкланган вазифаларни узрсиз сабаблар билан мунтазам бажармаслик;

б) узрсиз сабаб билан прогул қилиш (шунингдек, ишга маст ҳолда келиш);

в) ишчи ва хизматчи озодликдан маҳрум қилинганлиги, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинганлиги, ўз иш жойида қолдирилмаганлиги ёки мазкур ишни давом эттириш имконини бермайдиган бошқа жазо ҳақидаги суд ҳукми қонуний кучга кирганда;

г) бевосита пул ёки қимматли товарлар билан муомала қиладиган ходимга маъмурият томонидан ишонч йўқотилганида;

д) тарбиячи вазифасини бажарувчи ходим томонидан мазкур ишни давом эттиришга тўғри келмайдиган ахлоқсиз иш қилганида;

е) касаба союз органининг талабига кўра;

ж) қарамлик ёки интизом уставига мувофиқ тартибда кўриладиган интизомий жазо сифатида бўшатишда (бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда) узлуксиз меҳнат стажи сақланмайди.

Қарилик пенсиясига оширилган қўшимча (20 процентли) тайинлашда, баъзи ҳолларда узлуксиз иш стажи сақланиб қолиши қонунда кўрсатилган. Жумладан, ўз ихтиёри билан ишдан бўшаган ҳомиладор аёллар ва саккиз ёшгача болалари бўлган оналар ишдаги танаффусдан қатъий назар, бола бир ёшга тўлгунича ишга кирсалар, шунингдек бола бир ёшга кирганидан кейин орадан бир ой ўтмаса, уларнинг қўшимча олиш ҳуқуқини берадиган узлуксиз стажлари сақланиб қолади.

**А. ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз инспектори, «Тошкент оқшоми» ҳуқуқшунослик консультация бюроси аъзоси.**

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР.

# ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

СОФИЯ. Болгариядаги Стражица шаҳри районида 7 декабрь куни бўлган зилзила оқибатларини тугатиш тадбирлари БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва БХР Министрлар Советининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилди.

Мажлисда қабул қилинган қарорда республика министрликлари, бошқа идоралари ва хўжалик ташкилотлари зилзиладан жабрланган территорияларда ишлаб чиқариш, ўқув жараёни, медицина хизмати ва бошқа соҳаларни тез тиклаш учун ҳамма зарур тадбирларни кўришлари лозимлиги таъкидланди. Министрлар Совети бюроси ва округ халқ Советлари ижроия комитетларига қисқа муддатларда бошпанасиз қолган оилаларни уй-жой билан таъминлашни ниҳоясига етказиш, қисман шикастланган уйларни оператив тиклаш топширилди.

БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва БХР Министрлар Совети тўққизинчи беш йилликда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планида, 1987 йилги план ва бюджетда табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун зарур маблағлар ва ресурсларни кўзда тутишга қарор қилдилар.

# КАРОЧИДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

ДЕҲЛИ. Покистондаги энг катта Карочи шаҳри кўчалари жанг майдонига ўхшаб кетади. Бу ерда пуштунлар билан муҳожирлар жамоаларининг вакиллари ўртасидаги қонли тўқнашувлар бир неча кундан бери тинмаётир. Ҳиндистон матбуотининг хабарларига кўра, шаҳардаги тартибсизликлар — Покистон бутун тарихида энг қонли тартибсизликлардир. Ўқ узадиган қурол ва гранаталар ишлатилаётган тўқнашувлар натижасида 180 дан ошиқ киши нобуд бўлди ва 540 нафардан кўп киши яраланди. Қарочи территориясининг кўп қисмида комендант вақти жорий этилганлиги ва шаҳарга бир неча минг солдат ҳамда денгиз пиёда аскарлари ташланганлигига қарамай маъмурлар ҳанузгача тўқнашувларни тўхтатиш ва вазиятни нормаллаштиришга муваффақ бўлмаётирлар.

Қаттиқ ёнғинлар шаҳардаги аҳволни янада оғирлаштирмоқда. Бу ёнғинларда кўп аҳоли ҳалок бўлди. Ўн минглаб киши бошпанасиз қолди. Карочида озиқ-овқат ва энг зарур нарсалар етишмаяпти. Шаҳар транспортининг иши тўхтади, мактаб ва магазинлар ёпилиб қолди, касалхоналар эса тўқнашувлар натижасида яраланган ва майиб-мажруҳ бўлган кишилар билан тўлиб кетган деб хабар қилади «Таймс оф Индиа» газетаси. Карочидаги ғалаёнлар Ҳайдаробод ва Латифобод шаҳарларига ҳам ўтди. Бутун Синд вилояти территориясидаги вазият маъмурларнинг назоратидан чиқиб кетиш хавфида турибди.

Карочига «тинчликпарварлик» миссияси билан келган Покистон президенти Зиёул Ҳақ билан бош министри М. Х. Жунежони студентлар оммавий намойиш билан кутиб олдилар. Намойишчилар «Йўқолсин халққа қарши ҳукумат!», «Зиёул Ҳақ маъмурияти дарҳол истеъфога чиқишини талаб қиламиз!» деган шиорларни кўтариб олгандилар. Маъмурлар тинч намойиш қатнашчиларини тарқатиш учун ҳарбийлаштирилган полиция бўлинмаларини ташладилар. Бўлинмалар қуролсиз кишиларга қарата ўқ уза бошладилар. Намойишчилардан 400 киши қамоққа олинди.

Мамлакатнинг оппозициядаги энг йирик партияларининг раҳбарлари Исломободда ўтказилган мажлисда М. Х. Жунежо кабинети ва Синд ҳукумати дарҳол истеъфога чиқсин деб талаб қилдилар. Покистон халқ партиясининг ҳамраисаси Беназир Бхутто Карочидаги хунрезликлар учун бутун айбни демократик ислоҳотлар ўтказишни истамаётган мамлакатнинг ҳукмрон доиралари зиммасига қўйди.

Карочидаги воқеалар, деб ёзади «Пэтриот» газетаси, Покистондаги сиёсий ва социал кескинлик Исломободнинг мамлакатдаги турли миллий ва диний жамоалар ўртасида душманлик ва зиддият ўтини ёқишни кўзловчи халққа қарши сиёсати натижасида авжига чиққанлигини кўрсатди.

# ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

### БУДАПЕШТ

1987 йилда иккала мамлакат ўртасида товар обороти ва тўловлар тўғрисида бу ерда имзоланган протоколда СССР ва Венгрия корхоналари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, бевосита алоқаларни кенг ривожлантириш кўзда тутилади. Ҳужжатда иқтисодий ҳамжиҳатликнинг янги-янги формаларини кенг ривожлантириш — биргаликда корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини бажаришда иккала мамлакатнинг иштирокини кенгайтириш мўлжалланади.

### КАРАКАС

Венесуэланинг Баркисимето шаҳрида очилган маориф ходимлари учинчи миллий конференциясининг делегатлари тинчлик учун, қуролланиш пойгасига қарши курашни қўллаб-қувватладилар.

### ЖАКАРТА

Индонезия ташқи ишлар министри Мохтар Кусумаатмажа СССР Тинч океанининг жанубий қисмини ядросиз зона, деб эълон қилиш тўғрисидаги шартнома протоколларини имзолаганлигини табриклади.

Ядросиз зоналарнинг вужудга келтирилиши атом можароси чиқиши эҳтимолини камайтириши, сўнгра эса унга бутунлай барҳам бериши керак, деб таъкидлади министр.

### БОНН

Бонн расмий доиралари ирқчи Жанубий Африка республикасига қарши самарали жазо чоралари қабул қилинишига қаршилик кўрсатмоқда. Чунки мазкур апартеид давлати ГФРнинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан ва унинг саноати, шу жумладан ҳарбий саноати учун стратегик хом ашё етказиб берувчилардан биридир.

# КУБАДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ГАВАНА. Социалистик мамлакатлар ёзувчилар союзлари раҳбарларининг бу ерда ўтаётган 22 учрашуви қатнашчилари Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватладилар. Анжуман делегатлари ғарб империалистик доираларининг қуролланиш пойгасини авж олдиришга ва шундай пойгани космик фазога олиб чиқишга интилаётганликларини қораладилар.

Қўшма Штатлар стратегик устунликка беҳуда уриниб, келгуси йилда яна ҳарбий мақсадлар учун юз миллиардлаб доллар сарфлаш ниятидадир, деди Куба ёзувчилар ва маданият арбоблари союзи адабиёт секциясининг раиси Мануэль Кофиньо. Америка монополиялари ана шу маблағларнинг катта қисмини ривожланаётган давлатлардан олмоқда, деб таъкидлади кубалик делегат. Бу эса уларнинг экономикаси заифлашишига, ташқи қарзи ўсишига, ишсизлар кўпайишига ва аҳолининг қашшоқлашишига олиб келади.

Анжуманда янги минг йиллик арафасида инсоният олдида турган проблемаларни биргаликда муҳокама қилиш учун барча мамлакатлар маданият арбобларининг мунтазам учрашувларини ўтказиб туриш зарурлиги айтилди. Шу муносабат билан машҳур совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ташаббусида шу йил октябрь ойида ўтказилган «Иссиққўл анжумани» самарали фикрлашувнинг ажойиб намунаси бўлганлиги уқтириб ўтилди.



Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторининг деярли ҳаммасида араблар Исроил босқинчилигига қарши чиқишлар қилишяпти. Бу оммавий намойишларни бостириш учун солдатлар ва полициянинг кучайтирилган нарядлари юбориляпти.

СУРАТДА: Исроил солдатлари Рамаллах аҳолиси ҳужжатларини тинтув қилмоқда.

Рейтер — ТАСС телефотоси.

КАЛЕЙДОСКОП

### АҲОЛИ СОНИ ЎЗГАРМАС ЭКАН

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Италияда аҳолини рўйхатга олиш дастлаб 125 йил илгари ўтказилган экан. Ўшанда, мамлакат территориясида 26 миллион киши яшаётгани қайд қилинган эди. Бир асрдан сўнг — 1961 йили аҳоли сони қарийб икки баравар кўпайди.

Хозирги пайтда Италияда 57 миллион 202 минг киши истиқомат қилади. Кейинги ўн йил мобайнида аҳоли ўсиши йилига ўртача 122 минг кишини ташкил этди. Хўш, 90-йилларнинг охирида бу кўрсаткич қандай бўлади? Олимлар энг замонавий компьютерлар ёрдамида ғоятда мураккаб ҳисоб-китоб ишларини бажаришди. Улар барча демографик маълумотларни ҳисобга олишди. Туриннинг «Стампа» газетаси хабар беришича, улар шундай хулосага келишибди: 2000-йилга бориб Италия аҳолиси тахминан 57 миллион кишини ташкил этар экан.

### ТЕЗДА СОТИБ ОЛИНДИ

Италия филателияси тарихида биринчи марта миллий кино санъати арбобларига бағишланган марка чиқарилди. Машҳур комик актёр Тото тасвири туширилган марка Римдаги марказий почтамтда саноқли соат ичида сотилиб кетди.

### ҚАДИМГИ РИМ ЛАНГАРИ

Дарё порти қаъри ва Субличо кўприги остини тозалаш ишларига етакчилик қилаётган инженер Клаудио Моккеджанини Карпано Тибр ўзанининг ифлосланишига қарши кураш катта наф келтирмоқда, деб таъкидлади. Масалан, сув остини ковлайдиган машина Тибр қаърида номаълум жисмга дуч келди. У — ноёб лангар бўлиб чиқди. Олимларнинг ҳисоблашларича, икки минг йил илгари ясалган бу лангар маълум бўлган бошқа кўпгина тенгдошларига қараганда яхшироқ сақланган экан.

